КРЕАТИВ ТАФАККУР ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Мансур Болтаевич Шеров
Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси, майор

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола креатив фикрлаш ғоясини очиб беради. У замонавий талабларга жавоб берадиган, ҳар соҳада креатив бўла оладиган мутахассислар сонини ошириш орқали ривожланишни такомиллаштиришни кўрсатади. Ҳарбий хизматчилар орасида креатив фикрлашни шакллантириш борасида муҳим фикрлар илгари сурилган. Ҳарбий тайёргарликни замонавийлаштиришнинг муҳимлиги таълим жараёнида креативликни шакллантиришдир. Ҳарбий хизматчилар орасида шахсий таркибни креатив руҳда тарбиялаш тўлиқ қўллаб-қувватланади.

Калит сўзлар: Креативлик, чуқур фикрлаш, креатив фикрлаш, замонавийлаштириш, фикрлашнинг илмий усули, тактик чуқур мулоҳаза, диалектга оид креативлик.

EVOLUTION OF PHILOSOPHICAL VIEWS ON CREATIVE THINKING

Mansur Boltayevich Sherov
Senior Teacher, Chirchik Higher Tank Command Engineering School, Department of Humanities, Major

ABSTRACT

This article explains the concept of creative thinking. It implies an increase in the level of development by increasing the number of specialists who can approach creatively in each area, depending on the modern demand. In the servicemen there is an opinion on the priority directions of the formation of a creative way of thinking. In military servants, there was an opinion on the importance of the formation of a creative way of thinking and the importance of the modernization of the sphere of training, which is taught to them in the formation of creative creativity. In Uzbekistan, the achievements of educating military personnel in the creative spirit are comprehensively supported.

Keywords: Creativeness, Contemplation, Creative Thinking, Modernization, Creativity, Scientific Way Of Thinking, Tactical Contemplation, Dialectical Creativeness.

КИРИШ

Инсонни инсонийлигини ифодаловчи энг муҳим ижтимоий фазилатлардан бири ҳисобланган “креатив қобилият” ва “креатив тафаккур” тушунчалари инсонни юксак ижодий имкон соҳиби эканлигига далолат қилиши билан бирга, айни пайтда шахс мустақиллигини ифодаловчи энг муҳим белгилардан биридир.

Креатив тафаккур тушунчаси тарихий манбаларда турли хил маъно ва қарашларни англатиб келган. Бу тушунча икки хил хусусиятга эга бўлган сўзлар бирикмасидан иборат бўлиб, ўзида сифатийлик ва миқдорийликни мужассам этади.

“Креативлик” унинг сифатини билдирса, “тафаккур” эса фундаментал хусусиятини акс эттиради. Шунингдек, креативлик кенг маънода кишининг воқеа ва ҳодисаларнинг ўзига хос моҳиятини ижодий англашга асосланган фаолият ҳисобланади, креатив тафаккур эса инсоннинг ижодий тафаккурини назарда тутади. Кўриниб турибдики, юқоридаги таърифларда ҳам икки тушунча бир-биридан сифат ва миқдор жиҳатидан фарқланади. Қадимда юнон файласуфлари бу масала юзасидан турли хил қарашларни ўртага ташлаганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қадимда юнон файласуфи Суқрот креативликни ижодий тафаккурнинг ўртача ҳолати инсон амалий фаолиятини мувофиқлаштирувчи ички қоидаларни яратиш борасидаги қобилияти деб тушунади. Суқротнинг шогирди Афлотуннинг фикрига кўра, креативлик инсоннинг турли тушунчалар яратишга қаратилган мушоҳада юритиш қобилияти бўлса, креатив тафаккур эса, уни кундалик амалий фаолиятга тадбиқ этиш учун зарур бўлади.

Умуман олганда, антик фалсафий тафаккур креативлик мазмунига икки хил мавқедан туриб ёндошадилар:

1) креативликни айнан космоонтологик тушунча эканлиги;

2) индивидуал хусусиятга эга бўлган биосоциал тушунча сифатида эътироф этадилар.

Космоонтологик мазмунга эга бўлган “креативлик” асосан, Платон ва Арасту асарларида оламий ёҳуд дунёвий ижодий ақл маҳсули кўринишида синкритек ҳолда учрайди, лекин бундан юнон мутафаккирлари креативликнинг индивидуал хусусиятларини инкор этади деган фикр келиб чиқмайди. Биосоциал хусусиятга эга бўлган креативлик тарафдорлари асосан креатив тафаккурни шаклланишини автоматик жараён сифатида табиат ва жамият ходисаларининг инсон биоорганизмидаги инъикоси деб тушунадилар.

Қадимги Юнон фалсафасида креативлик ижод манбаи эмас, балки ижоднинг ўзи, яъни ижодий феномендир. Тўғри Арасту (эр. авв. 384-322 й.) ўз қарашларида “креативлик” ва “креатив тафаккур” тушунчаларини ишлатиб, бу икки терминни бир-биридан ажратишга ҳам ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра, “креативлик”- ижодий имкониятдан ижодий воқеликка ўтиш жараёни бўлса, “креатив тафаккур” мазкур жараённинг пировард натижасидир. Бироқ ажабланарли жойи шундаки, мутафаккирнинг кейинги мулоҳаза ва қарашларида ушбу хулоса ривожланмай қолган, бунинг устига ҳар иккала тушунча айнан бир-бирига ўхшаш, тўлдирувчи мазмунда ишлатилган. Арасту “Ижод ўз-ўзини англашдаги детерминаллашган фаолият бўлиб, у билимнинг янгидан-янги сифат кўрсаткичларини юзага келтиради” [1], деб тушунтирган.

Креативлик ва ақл (интеллект)ни ажратиб талқин қилиш Суқротдан бошлаб, Афлотун, Арасту ва кейинчалик Кант, Гегель фалсафаларида ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Ижодий жараённи Афлотун “руҳланиш” ва “илоҳий куч” атамалари орқали асослашга интилади. Унинг фикрича, “Шоир санъати ва билими билан ижод қилмай, балки илоҳий қувватдан ижод қилади” [2].

“Креативлик” ва “креатив тафаккур” масаласида юнон файласуфлари сингари мусулмон олим-мутафаккирлари ҳам ўзига хос мактаб яратганлар. Шу маънода диний-фалсафий таълимотлар мутакаллимлик ва мўътазилийлик, суннийлик, шиалик ва тасаввуф кабиларда инсоннинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Чунончи, каломнинг икки йирик йўналиши мутакаллимлик ва мўътазолийлик ислом таълимоти қоидаларини талқин этишда ижодий ёндашувни ишга солишни, креатив усуллардан фойдаланишни ёқлаб чиқдилар.

Шарқ файласуфлари Ал-Киндий, Ал-Форобий, Ибн Сино, Ал-Ғаззолий ва Ибн Рушд илк ўрта асрлар шароитидаёқ креатив тафаккур тушунчасининг маъно ва моҳияти, мазмун ва шаклини аниқлаб беришга ва у ҳақда бир бутун яхлит таълимот яратишга ҳаракат қилдилар. Абу Наср Форобий шоирлар мисолида: “Энди биз сенга айтсак, шоирлар чиндан туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади ва уларда ташбеҳ ва тамсилга лаёқати яхши ишлайдиган бўлади. Бу хил шоирлар шеър навининг кўп турида ё бўлмаса бир турида ижод қилишга лаёқатли бўладилар” [3] – деб бадиий ижоднинг аҳамиятини кўрсатган.

Ғарбий Европада креативлик инсон ижодий тафаккури билан эмас, балки билишнинг юқори босқичи “илоҳий билиш” усули сифатидаги тасаввурлар XII асрнинг охирларида шакллана бошлади. Бундай тасаввурларнинг ҳосил бўлишига XII аср бошларида Дунс Скотт, Уильям Оккам ва Фома Аквинский тарфдорлари ўртасидаги баҳслар замин яратди. Бизга маълумки, Дунс Скотт ва

Уильям Оккам схоластикани йирик намоёндалари сифатида креативликни иродага бўйсунувчи, илоҳий билиш усули, яъни билишнинг олий шакли эканлигига урғу бериб, уни мутлоқлаштирган ҳолда инсон тафаккурига қарама-қарши қўядилар. Фома Аквинский эса креативликни Арастуча ижодий имкониятдан ижодий воқеликка ўтиш жараёни эканлигини ёқлаб, иродани креативликка бўйсундиради. Унинг фикрига кўра, креативлик деганда кишининг воқеа ва ҳодисаларни фақат ижодий ақл билан пайқаладиган жиҳати тушунилади. Шу аснода креативлик воқеа ва ҳодисаларнинг ижодий ақл-идрок орқали билиш хусусиятини ифодаловчи фундаментал тушунчага айланди.

Голландиялик машҳур файласуф Баруз Спинозанинг таъкидлашича, креатив тафаккур интеллект белгилаб берган қатъий қоидага мувофиқ ҳаракат қилади. Яъни бунда инсон ўзининг креатив тафаккур орқали энг умумий тушунчаларга асосланиб ички ва ташқи воқелик хусусида ижодий ва мустақил хулосалар чиқаради. Шунингдек. маълум қоидаларга асосланиб ҳаракат қилган ижодий тафаккур қандайдир маънавий автомат вазифасини бажаради[4].

МУҲОКАМА

Креативлик инсонни фикрлаш қобилиятини янада такомиллаштирган ҳолда ижтимоий ҳаётнинг, инсон фаолиятининг олий бошқарувчиси вазифасини бажаради ва уни эзгу амаллар томон йўналтиради. Бундай ижодкор инсон ҳамиша борлиқ билан уйғун ҳолда харакат қилади. Франциялик файласуф Анри Бергсон эса “Ижодни интеллектнинг юқори босқичи” деб эътироф этади[5]. Олмон мумтоз файласуфи Гегель эса “Ижодий тафаккур бир бутун яхлит объектларнинг бўлакларга бўлинишидир, дейди. Бутунни бўлакларга бўлиш жараёнида ижоднинг қуввати, бутунни бўлакларга ажрата олиш қобилиятлари, ўша бўлакларнинг бирининг иккинчиси билан боғлиқлиги, алоқадорлиги яққол намоён бўлади... Ижодий тафаккурнинг ақлдан фарқи шундаки, у энг аввало янги моддий ва маънавий қадриятларни яратишни ўзида мужассамлаштиради” [6] Гегелни бу фикрини танқид қилиб, Даниялик файласуф Сёрен Кьеркегор уни қарашларини ҳаддан зиёд умумлашиб кетганлигини кўрсатиб ўтади. Ҳақиқатдан ҳам Гегель бутунлай умумийликка ўзини бағишлаган эди. Чунончи. Рафиқасининг айтишича, уни яхши кўрган маълум таоми йўқ бўлган. Унинг учун фақат умумий таом мавжуд эди. Гегель қарашларининг мазмун-моҳияти Кьеркегор фикрича, “умуимй моҳиятларга қаратилагн, бунда ўзига хос мавжудлик, индивидуаллик бу ерда тан олинмаган эди”[7]. Гегель фикрича, “Ижод қилиш одамзоднинг азалий фазилатидир. Бироқ одамларнинг ижодий

изланишлари шу қадар фарқланиши мумкинки, ҳатто улар бир-бирларига бутунлай зид бўлиши ҳам мумкин”[8].

Инсонни зеҳни уни ақлий зукколиги ва хотирасининг зарур вақтларда панд бермаслиги билан боғлиқ бўлиб, унда инсон табиат, жамият тўғрисидаги фикрларини ўз-ўзини англаш борасидаги ақлий мушоҳадаларини изчиллик билан маълум бир тартибга солади. Шу боисдан ҳам Н.А.Шермуҳамедова “…фандаги узлуклилик ижодий жараён ва олдингидан мутлақо фарқ қилувчи янги билимнинг пайдо бўлишида намоён бўлади”[9], - деб ёзади.

НАТИЖАЛАР

Ҳозирда истеъдодга диний нуқтаи-назардан ёки тасаввуфий жиҳатдан ёндашишлар ҳам мавжуд бўлиб, бунга мувофиқ инсон мавжуд диний амалларни бажариш орқали ўз истеъдодини янада мукаммаллаштириши мумкин. Тасаввуфий нуқтаи-назаридан эса инсон ўз нафсини енгиш орқали мавжуд ички руҳиятини соф холга келтириши асосида ўз истаъдодини акс эттириши ва уни янада ривожлантириши мумкин. Бизнинг фикримизча бундай ёндашувларни маълум бир позитив “ижобий” жиҳатларини инобатга олган ҳолда истеъдодни шакллантириш ва уни янада ривожлантириш хусусида фикр юритиш керак. Яъни истеъдод дастлаб Оллоҳ томонидан инсонга берилган катта тортиқ бўлиб, ундан инсон унумли фойдаланиши, уни эзгу мақсадлар сари йўналтириши лозим бўлади. Бундай истеъдод соҳиблари эса барча замонларда ҳам жамиятнинг, давлатнинг бебаҳо интеллектуал мулки ҳисобланган.

Креатив тафаккур зеҳн, истеъдод ва қобилиятни маълум бир меъёрда намоён бўлишининг дастлабки учқунлари ёшларнинг иқтидори орқали намоён акс этади. Бундай иқтидорли ёшларни ўз вақтида илғаб олган ҳолда уларни касбга тўғри йўналтириш яхши самара беради, албатта. Бу хусусида буюк Шарқ мутафаккири Имом Ғаззолий ҳам ўзининг “Иҳёу улум ад-дин” (Дин илмларини жонлантириш) асарида инсон ақлининг ўзигахослиги хусусида фикр юритиб шундай деган эди: “Ақл зарурий илмларнинг бир қисмидир. Жоиз нарсаларни жоиз, маҳол нарсаларни маҳол билиш каби ва у яна аслида дуруст, чунки бу илмлар мавжуддир. Зоҳир ҳам ақл деб номланади. Аммо бу ғаризани инкор этиш, фақатгина ана шу илмлар мавжуд дейиш фосидликдир”[10].

Ҳозирги давр илм-фани хулосаси ва ҳисоб-китобига кўра инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида атиги 300 га яқин киши дахолар сифатида эътироф этилган. Жамиятда бундай тоифа инсонларни миқдор ва сифатини кўпайтириш унинг бугуни ва келажагини янада нурафшон бўлишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Хуллас, креатив тафаккур табиат, жамият ва инсонни ўз-ўзини ислоҳ қилишига кўра қуйидаги вазифаларни бажаради. Креатив тафаккур биринчи навбатда гнесеологик вазифани бажаради. Яъни инсон ўзининг ижодий тафаккури орқали ўзи яшаётган дунёни билишга, воқеликни бутунлигича идрок қилишга интилади. Инсонни ҳиссий аъзолари орқали олинган дунё тўғрисидаги ахборотларни жамлаган холда фикр мушоҳада юритади. Бу жараён инсон креатив тафаккури гносеологик вазифасини кенг маънода талқин этиш бўлса, тор маънода эса инсонлар ўз ижодий салоҳияти орқали воқелик, предмет ёки ходиса тўғрисида мустаҳкам билимга эга бўлиш, тасаввур, идрок, синчковлик ва ақлий зукколик асосида мавжуд билимларга танқидий ёндашиб, керакли хулоса чиқариш кабаларни ўз ичига олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Зубов В.П. Аристотель: Человек. Наука. Судьба наследия. Изд.3. - М.: УРСС, 2009. - 368 с.
2. Платон. Избранные диалоги. М.: Художественная литература, 1965. С. 161.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. - 122 с.
4. Спиноза Б. Избранные произведения. Том 1. М., 1957г. Стр 340.
5. Бергсон А. Творческая эволюция. М. 1908г. Стр 2.
6. Гегель Г.В.Ф. Сочинения. Том 3. М., 1956г. Стр 15.
7. Кьеркегор С. Страх и трепет. М., 1953г. Стр 150.
8. Гегель Г.В.Ф. Феноменология духа/ Пер.с нем. Г.Г. Шпета, Коммент. Ю.Р. Селиванова. - М.: Акад. Проект, 2008. - 767 с.
9. Shermuxamedova N.A. Falsafa va fan metodologiyasi. - Toshkent: Aloqachi, 2008. - B. 11.
10. Имом Ғаззолий. Иҳёи улум аддин. (Дин илмларини жонлантириш). Т., Медиа. 2003 йил.

REFERENCES

1. Зубов В.П. Аристотель: Человек. Наука. Судьба наследия. Изд.3. - М.: УРСС, 2009. - 368 с.
2. Платон. Избранные диалоги. М.: Художественная литература, 1965. С. 161.

3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. - 122 с.
4. Спиноза Б. Избранные произведения. Том 1. М., 1957г. Стр 340.
5. Бергсон А. Творческая эволюция. М. 1908г. Стр 2.
6. Гегель Г.В.Ф. Сочинения. Том 3. М., 1956г. Стр 15.
7. Кьеркегор С. Страх и трепет. М., 1953г. Стр 150.
8. Гегель Г.В.Ф. Феноменология духа/ Пер.с нем. Г.Г. Шпета, Коммент. Ю.Р. Селиванова. - М.: Акад. Проект, 2008. - 767 с.
9. Shermuxamedova N.A. Falsafa va fan metodologiyasi. - Toshkent: Aloqachi, 2008. - B. 11.
10. Имом Ғаззолий. Иҳёи улум аддин. (Дин илмларини жонлантириш). Т., Медиа. 2003 йил.